



On the problem of antonymic relations of monosyllabic words in French

Dilbar NASIMOVA¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023

Received in revised form
10 June 2023

Accepted 25 July 2023

Available online

15 July 2023

Keywords:

monosyllabic words,
antonyms of one part of
speech with the same roots,
antonyms of different parts
of speech.

ABSTRACT

This article discusses the relationship of antonyms of monosyllabic words in French. In particular, antonyms of one part of speech, the same roots and different parts of speech were analyzed. At the same time, according to the results of the study on specific examples, the semantic relations of antonymic paradigms were studied.

2181-3701/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss4-pp13-18>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Француз тилида моносиллаб сўзларнинг антонимик муносабатлари масаласига доир

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

моносиллаб сўзлар,
бир сўз туркуми ва бир
хил ўзакли антонимлар,
кўп сўз туркуми ва ҳар
хил ўзакли антонимлар,
антономик парадигмалар.

Мазкур мақолада француз тилида мавжуд моносиллабик сўзларнинг антоним муносабатлари ҳақида фикр юритилади. Хусусан, бир сўз туркуми ва бир хил ўзакли ҳамда кўп сўз туркуми ва ҳар хил ўзакли антонимлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида антонимик парадигмаларнинг семантик муносабатлари аниқ мисоллар асосида ўрганилган.

¹ Teacher, independent applicant, Samarkand State Institute of Foreign Languages. E-mail: Dilbarbeki7@gmail.com

К проблеме антонимических отношений односложных слов во французском языке

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

односложные слова,
антонимы одной части
речи с одинаковыми
корнями,
антонимы разных частей
речи, антонимические
парадигмы.

В данной статье изучаются отношения антонимов односложных слов во французском языке. В частности, рассматриваются антонимы, принадлежащие одной части речи, с одинаковыми корнями, а также антонимы разных частей речи. Исследование базируется на конкретных примерах и включает в себя анализ семантических отношений в антонимических парадигмах.

Лексик семантиканинг замонавий тадқиқотларида ўзига хос хусусият антонимия муаммоларига қизиқишнинг ортиши бўлиб, бу жуда кенг тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келган. Ҳозирги пайтга қадар антонимларнинг умумий ва хусусий масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, ўзбек тилшунослигида дастлабки антонимлар татбиқини ўтган асрнинг 70 йилларида Р. Шукуров томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, француз тилининг антонимия муаммоларига бағишланган кўплаб мақолалар, жумладан, Лоррен университети тилшуноси Каролин Массероннинг “Propositions de travail pédagogique sur les antonymes” ва Сорбон университети профессори Паскал Амсилининг “L’antonymie en terminologie: quelques remarques” номли мақолалари антонимларнинг турли масалаларини ечишга ҳисса қўшди.

20 аср охирига келиб антонимия ҳодисаси анча чуқур ўрганилганига қарамай, моносиллабик (бир бўғинли сўзлар) сўзларнинг антонимик хусусияти очиб берилмаганлиги боис мазкур тадқиқотимизни шу масалага бағишламоқчимиз.

Тилнинг лексик – семантик соҳасининг энг муҳим лингвистик универсалларидан (тилларга хос хусусият) бири бу антонимия ҳодисасидир. Антонимларнинг ифода маънолари учун энг умумий ва муҳим семантик хусусияти бу – қарама-қарши қўйилган сўзлар ҳисобланади.

Француз тилида бир бўғинли сўзлар ўзининг морфологик – лексик хусусиятига кўра ранг-баранглик касб этади. Жумладан, *autre [otr]* сўзининг учта сўз туркумига яъни от, сифат, олмош сўз туркумларига мансублиги ва сўзларнинг аксарият қисмини от сўз туркумига хос сўзлар ташкил этиши билан аҳамиятга эгадир [2, 101].

Тилшуносликда антонимларнинг ҳосил бўлиши юзасидан кўпгина фикрлар баён қилинган. Уларнинг ясалиши ва турлари бўйича рус олимлари Э.И. Диброва ва Н.Ю.Донченколар тадқиқотларида қуйидагича аниқланди [3, 98].

➤ Бир сўз туркуми ва бир хил ўзакли антонимлар.

➤ Кўп сўз туркуми ва ҳар хил ўзакли антонимлар.

Бир хил ўзакли антонимлар – умумий ўзак морфемага эга антонимлар. Масалан, *connu – inconnu, juste – injuste, utile – inutile, humain – inhumain, réel – irréal, rationnel – irrationnel*; аммо таҳлил давомида бу турдаги антонимларни моносиллабик сўзлар орасида учратмадик.

Ҳар хил ўзакли антонимлар – ўзак морфемалари билан ажралиб турадиган антонимлар. Буларга *dru – faible, goutte – flot, large – bref, net – sale*; ва бошқалар киради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги кунга қадар антонимларга бағишланган жуда кўплаб тадқиқотлар тилшунос олимлари, жумладан, Э.Н. Миллер, Ю.Д. Апресян, Р.С. Гинзбург, Л.А. Булаховский, И.Б. Арнольд ва бошқалар томонидан амалга оширилди. Олимлар “антонимик муносабатлар фақатгина бир сўз туркумига оид ҳар хил ўзакли антонимларда содир бўлади”, деб таъкидлайди [Апресян, 1995; Иванова, 1982; Соколова, 1977]. Шу билан бирга, рус олими ҳам Э.Н. Миллернинг сўзларига кўра, ўзининг типиклиги ва кенг тарқалганлиги боис, бир сўз туркуми антонимлар луғатларда қарама-қаршиликни ифодалашнинг ягона воситаси сифатида тақдим этилади [4, 211].

Бу тушунчаларнинг изоҳи учун тадқиқотимиз давомида, моносиллабик сўзлар орасидан 159 та антоним муносабатдаги сўзлар аниқланди ва улар қуйидаги жадвал орқали классификация қилинди:

Сўз туркумлари	Бир сўз туркуми антонимлар		Аралаш сўз туркуми антонимлар
	Ҳар хил ўзакли антонимлар	Бир хил ўзакли антонимлар	
Мустақил сўз туркуми	Сифат – сифат От – от Равиш – равиш Феъл – феъл	ифодаланмади	От – сифат Сифат – от Феъл – от Феъл – сифат
Ёрдамчи сўз туркумлари	Предлог – предлог	ифодаланмади	ифодаламади

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бир сўз туркумига, яъни *сифат* ва *сифатга* хос зид маъно билдирувчи антонимлар моносиллабик сўзларда энг сермахсул ҳисобланди ва улар 92 тани, яъни 58% ташкил қилади. Қуйидаги моносиллаблар шулар жумласидан ўрин олди: **AMPLE** [ãpl] – *bref, court*; **BEAU** [bo] – *laid, moche*; **BLÈME** [blẽm] – *frais*; **CHICHE** [ʃi] – *riche*; **DENSE** [dãs] – *rare*; **FADE** [fad] – *vif*; **FORT** [fɔr] – *faible*; **GAUCHE** [goʃ] – *droite, direct, dextre*; **GRAS** [gra] – *maigre, mince*; **HUMBLE** [ãẽbl] – *fier, fat*; **IVRE** [ivr] – *ivre*; **LISSE** [lis] – *rude, rêche*; **MORNE** [mɔrn] – *gai*; **VITE** [vit] – *lent*...

Шу билан бирга кузатиш натижасида моносиллабик сифатларнинг ўзаро қарама-қарши тушунчаларни ифодаладиган сўзлар орасидан қуйидаги унумли мавзулар ҳам аниқланди:

➤ **Инсон руҳиятини ифодаловчи зид моносиллаблар:**

TRISTE [trist] – *allègre, gai*; **GAI** [ge] – *grave, morne, sombre, triste*; **MORNE** [mɔrn] – *gai*; **FORT** [fɔr] – *faible, calme, frêle*; **FOURBE** [furb] – *droit, franc, probe*; **STRICT** [strik] – *souple, lâche*; **DRU** [dry] – *faible*; **PROBE** [prɔb] – *fourbe*;

➤ **Рангни ифодаловчи зид моносиллаблар:**

BLANC, BLANCHE [blã, blãʃ] – *Noir, sombre, NOIRE [nwar] – *Blanc, clair, pur*; **TERNE** [tẽrn] – *beau, frais, vif*; **BLET** [blẽ] – *vert*; **BLÈME** [blẽm] – *frais*;*

➤ **Таъмни ифодаловчи зид моносиллаблар:**

AIGRE [ẽgr] – *amène, doux*; **FADE** [fad] – *vif*;

Бундан ташқари *от ва от* сўз туркумига оид антонимлар 40%ни, *равиш ва raviш* 1%, *феъл ва феъл* сўз туркумига оид 1% ҳамда таҳлил давомида *предлог ва предлог* 0,5%ни ташкил этди. Бироқ бу кузатиш натижасида, бир хил ўзакли моносиллаб сўзлардан зид антонимлар мавжуд бўлмади.

Тадқиқотимиз давомида аралаш сўз туркумли антонимлар сермахсул антонимлар қаторидан йироқ бўлди. Улар фақатгина қуйидаги сўз туркумлари билан ўзаро қарама-қарши тушунчаларни ифодалай олди:

➤ **От – сифат:** AISE [εz] – *triste, gene*; BORD [bɔr] – *fond, loin, centre*; CIME [sim] – *bas, base, abîme*; VAGUE [vag] – *clair, net*;

➤ **Сифат – от:** MAL, MALE [mal] – *joie*;

➤ **Феъл – от:** RIRE [rir] – *pleur, larme*;

➤ **Феъл – сифат:** TENDRE [tādr] – *dur, frois, sec*;

Антонимларнинг семантик муносабатларида бир-бири билан қарама-қарши маъно муносабатини ифодалашда антонимик парадигмаларнинг ўрни каттадир. **Антонимик парадигма** – икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлиб, маъно жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши сўзларнинг мураккаб муносабатидир [5, 88]. Уларнинг семантик муносабатларида маънонинг қарама-қаршилиги умумий интеграл ва фарқловчи белгилар билан ифодаланади. Бундай парадигмаларнинг ёнма – ён келиши, қарама – қаршилигининг асосий вазифалари сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларининг бирлашувидадир. Маълумки, антонимик парадигмаларнинг аксарият қисмида қарама-қарши синонимик қаторнинг доминантлари ҳукмронлик қилади ва улар ядро қарама-қаршилигини ташкил этади. Мазкур тушунчани тадқиқотимиз доирасида моносиллабик сўзларда тадқиқ қилдик.

A	AIGRE [εgr] – <i>amène, doux</i> ; AMPLE [āpl] – <i>bref, court, petit</i> ;
B	BAS, BASSE [ba, bas] – <i>cime, comble, digne, haut</i> ; BORD [bɔr] – <i>fond, loin</i> ;
C	CALME [kalm] – <i>affres, alarme</i> ; COURT, COURTE [kur, kurt] – <i>ample, gros, grand, long</i> ;
D	DOUX, DOUCE [du, dus] – <i>âtre, aigre, âpre, cru</i> ; DUR, DURE [dyr] – <i>blet, brave</i> ;
E	ENTRE [ātr] – <i>hors</i> ;
F	FAIBLE [fēbl] – <i>dru, gros, fort</i> ; FLASQUE [flask] – <i>dur, ferme, raide</i> ;
G	GAI, GAIE [ge;gē] – <i>grave, morne, noir, sombre, triste</i> ; GRAS, GRASSE [gra, gras] – <i>maigre, mince, pauvre, sec</i> ;
H	HOMME [ɔm] – <i>femme, dame</i> ; HUMBLE [ābl] – <i>fier, fat</i> ;
I	IVRE [ivr] – <i>sobre, calme</i> ;
J	JOIE [ɜwa] – <i>deuil, mal</i> ; JUSTE [ɜyst] – <i>faux, mal</i> ;
K	–
L	LÂCHE [laf] – <i>brave, ferme, preux</i> ; LARGE [larg] – <i>bref, court, petit</i> ;
M	MINCE [mēs] – <i>gras, grand, fort, large, ample</i> ; MOCHE [mɔʃ] – <i>bon, chic, beau</i> ;
N	NET [nēt] – <i>sale, brut, flou</i> ; NOIRE [nwar] – <i>blanc, clair, pur</i> ;

O	–
P	PLAT, PLATE [pla, plat] – dos, creux; PLEIN, PLEINE [plē, plēn] – vide, creux;
Q	–
R	RAIDE [rēd] – flasque, mou, souple; RUDE [ryd] – clair, lisse, doux;
S	SALE [sal] – clair, net, pur, blanc; STRICT, STRICTE [strikt] – large, souple, lâche;
T	TERNE [tērn] – beau, Frais, vif; TENDRE [tādr] – dur, frois, sec;
U	–
V	VIL, VILE [vil] – Pur, noble, cher; VIDE [vid] – comble, plein;
W	–
X	–
Y	–
Z	ZÈLE [zēl] – froid

Таҳлил натижаларига кўра антонимик қаторда доминантлар ядро қарама-қаршилигини ташкил қилди. Аммо антонимик парадигмалар қарама-қаршилиқни қисман ҳосил қиладиган синонимик қатордан иборат бўлди. Албатта бу асослидир. Чунки антонимия ҳодисаси бошқа тил ҳодисалари каби ўзига яқин ҳодисалар билан, айниқса синонимия ҳодисаси билан яқин боғланган бўлади. Улар антоним ҳосил қилувчи сўзларнинг ўзини ўрганиш билан чекланмасдан, балки бундай сўзларнинг синонимлари билан таққослаб ўрганиш тилда антонимик жуфтликлардан ташқари антонимик гуруҳлар (қатор) ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Юқорида келтирилган жадвалда моносиллабик антонимик парадигмалар контекстли(вазиятли) синоним ва антонимларни ўз ичига олмайди. Булар фақатгина синонимик қаторларни ва антонимларни ташкил этди холос. Шунга қарамай, аксарият ҳолатда парадигмалар реал мулоқот шароитида кузатилади. Улар орасидаги яқин алоқа нутқда учрайди. Дарҳақиқат, олим Ш.Сафаровнинг таъкидлаганидек, ҳар қандай билвосита нутқий актнинг мазмунини англаш учун тузилмаларнинг бирламчи маъносини билмоқ даркор [6, 91].

Бундан ташқари, К, О, Q, U, W, X, Y каби графемаларининг моносиллаблари орасида антонимик занжир ҳосил бўлмади, чунки улар кўплаб регионализм, англитизм ва акронимлардан ташкил топганлиги маълум бўлди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, антонимия ҳодисаси азалдан чуқур лингвистик таҳлил объекти бўлиб келган ва ҳозирги кунда уларнинг парадигматик ҳодисаси ўзаро қарама-қарши тушунчаларни атрофлича ўрганиши билан изоҳланди. Шу ўринда, моносиллабик сўзларнинг таркиби ва хусусияти кенг ва турли туманлиги ҳам намоён бўлди. Таҳлил давомида бундай лексик бирликларни кенгроқ доирада яъни турли хил матнларда, нутқ қўлланишларида антонимик муносабатларини ўрганишга мойиллик ҳам мавжуд бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Р.Шукуров, Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан нашриёти, 1977.
2. Д.Насимова, Француз тилида бир бўғинли сўзларнинг фоно – семантик таҳлиliga доир.// Хорижий филология № 2, 2022. – б. 101-108.

3. Диброва Е.И., Донченко Н.Ю. Поэтические структуры антонимии. М.: С.Принт, 2000. 183 с.
4. Миллер Е.Н. Природа лексической и фразеологической антонимии. Изд. – во Саратовского университета, 1990. – 211 с.
5. Шхапацева М.Х. Пазова Л.М. Антонимическая парадигматика. Научный журнал «Вестник АГУ» Выпуск № 3 2015. – С. 88-94.
6. Сафаров Ш.С. ПРАГМАЛИНГВИСТИКА.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 916.
7. Robert P. Le Petit Robert. –Paris, 2015.
8. Suvonova N. Adaptation of the principles of nomination of lexical and phraseological antonyms in language (on the example of French)/ Derivative laws of language development: Proceedings of the Republican scientific-theoretical conference. – Samarkand 2009, p 163 – 167.
9. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ. (5 жилдли) “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”. T., – 2020. 88 b.
10. Pascal Amsili. L’antonymie en terminologie: quelques remarques. Conférence TIA-2003, Strasbourg, 31 mars et 1 avril 2003.
11. Ashurov Sh., Suvonova N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of “White” Colour (in the example of the French and Uzbek languages) / Journal of Positive School Psychology 2022, – Vol.6, – No.4, 9550–9560. Scopus Source: <https://www.scopus.com/sourceid/2110104422>
12. Сувонова Н. НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА УЗБЕКСКИХ ПОСЛОВИЦ НА ФРАНЦУЗСКИЙ ЯЗЫК. Ученый XXI века. 2016, № 2-5 (15)
13. https://www.persee.fr/doc/prati_0338-2389_1984_num_43_1_1317
14. <https://www.dictionnaire-synonyme.com/antonymes/>
15. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/seau/71687>